# Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 8058,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизга тенг бўлди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд.сўм | | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил январь-сентябрь | 2017 йил январь-сентябрь | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **6921,4** | **8058,2** | **103,0** |
| шу жумладан: | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 6225,8 | 7254,2 | 103,3 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 695,6 | 804,0 | 100,3 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **6225,8** | **7254,2** | **103,3** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1437,9 | 1762,1 | 105,8 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 2066,3 | 2301,8 | 100,5 |
| саноат | 1292,9 | 1445,9 | 99,2 |
| қурилиш | 773,4 | 855,9 | 102,6 |
| Хизматлар | 2721,6 | 3190,3 | 104,1 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 721,5 | 833,0 | 101,4 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 661,1 | 767,5 | 105,7 |
| бошқа хизматлари | 1339,0 | 1589,8 | 104,8 |

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 йил




2017 йил




Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (105,8%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (105,7) ва бошқа хизматлар (104,8%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 68,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-сентябрда 69,1 фоизни ташкил қилган.

2017 йил январь-сентябрда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 44,0 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 43,7 фоиз)ни ташкил қилди.